

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФОНОЛОГИК БИРЛИКЛАРДАГИ КОННОТАТИВ МАЪНОЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

Гаипова Севара

Урганч Ранч тахнология университети

Лингвистика (инглиз тили) йўналиши

1-курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14778118>

**Аннотация:** Ушбу мақолада унли ҳамда ундош фонемалар талаффузи билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган айрим коннотатив маънолар ҳақида фикр юритилади. Ўзбек ва инглиз тилларидаги унли ҳамда ундош товушларнинг талаффузи билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган коннотатив маънолар атрофлича қиёсий таҳлил қилиниб, бадий адабиётдан мисоллар келтирилган.

**Калит сўзлар:** фонологик бирлик, коннотатив маъно, просодик хусусият, фонема, артикуляцион.

**Кириш.** Тилнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи бир неча қатламлардан иборат эканлиги ҳақидаги қараш ўзининг узоқ тарихига эга. Хусусан, тил тузилишининг анъанавий тилшуносликда уч қисмга, лексик ва грамматик қисмларга бўлиниши ва бу қисмларни ўрганадиган тилшуносликнинг учта бўлимга ажратилиши тилни ана шундай қатламлар бутунлиги сифатида тушунишнинг ёрқин намунасидир. Унли товушларнинг турли оҳангларда айтилиши, бўғин ҳосил қилиши, урғу қабул қилиши каби просодик хусусиятларга эгалиги боис уларда коннотатив маънолар серқирра ва даражаланган бўлади.

**Адабиётлар шарҳи.** С.Каримов эса фоностилистикага оид монография нашр қилдирган. М.Йўлдошевнинг «Бадий матн лингвопоэтикази» номли ўқув-услубий қўлланмасининг бир бўлими фонографик воситаларнинг семантик-услубий тадқиқига бағишланган.

М.Мамадалиева ҳамда Э.Қиличев, Б.Э.Қиличевларнинг илмий изланишларида сўз семантик структураси янада чуқур ўрганилиб, уларда денотатив ва коннотатив маънолар мавжудлиги аниқланди.

**Мухокама ва натижалар.** И унли фонемасининг қаттиқ ва юмшоқ вариантларга эга эканлиги ҳар иккала тилда ҳам коннотатив маъно миқдорини оширади. Бундай коннотатив маънолар сирасига кучли ёки кучсиз ҳаяжон, эсанкираш, тўлқинланиш, безовталиқ, ажабланиш, ҳайрат, ишончсизлик, кутилмаганлик, ғазаб, ўйлаб қолиш, хурсандлик, хафалиқ, ҳадиксираш, эслаш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбек тилидаги и фонемасига хос бўлган коннотатив маънолар инглиз тилидаги і фонемаси талаффузидаги коннотатив маънолар билан ўхшаш ва айрим фарқлар ҳам мавжуд. Инглиз тилидаги унли товушлар бўғин типларига кўра ажратилади. Масалан, і фонемаси ёпиқ бўғинда қисқа [ɪ] товушини, очик бўғинда эса [aɪ] товушини ифодалайди. Нутқда і унлисини атайлаб чўзиб талаффуз қилинганда, унда ҳайратланиш, ишончсизлик, таажжубланиш каби қатор коннотатив маънолар юзага чиқади:

- Are you very ri:ch?
- No, living from hand to mouth! (B. Show).

Инглиз тилида о фонемасининг турли хил талаффузида бўғин типларига кўра кўрқиш, довдираш, кучли ғазаб каби коннотатив маънолар пайдо бўлади:

Suddenly he cried: Santyago-o-o! (I.Voynich). Шунингдек, мазкур товушни чўзиб талаффуз қилиш орқали дўқ-пўписа, қахр-ғазаб, илтимос қилиш, ялиниш каби коннотатив маънолар ифодаланиши ҳам мумкин: Don't tell him.

– Do-o-o-n't tell him, please!

Ўзбек тилида ҳам о фонемасининг турли хил талаффузи натижасида қуйидаги коннотатив маънолар англашилади: о деганда қувонч, роҳатланиш,

ҳайрат, қониқиш, мазза қилиш, лаззатланиш, ишончсизлик, эслаш ва ҳ. Худди шунингдек, тадқиқотимиз давомида у, э унли фонемалари ҳамда чоғиштирилаётган тиллардаги айрим ундош товушларнинг турли талаффузида шевага хослик, тарихийлик, нутқий камчилик, ўта ҳаяжонланганлик, сўзловчининг бегона тил вакили эканлиги, маданий савияси, саводхонлик даражаси, эътиборсизлик, талаффуздаги артикуляцион қийинчилик каби қатор коннотатив маънолар юзага чиқиши ва уларнинг бадий нутқдаги услубий хусусиятлари қиёсий таҳлил ва тадқиқ этилган.

Сўзлар олдида бир товуш ёки бўғин орттирилиши билан ҳосил бўладиган протеза ҳодисаси чоғиштирилаётган тилларда учрайди. Нутқда товуш орттирилиши ёрдамида прагматик семанинг юзага келиши фоностилистик сатҳ билан боғлиқ бўлади. Протезали сўзлар, асосан, чоғиштирилаётган тилларнинг оғзаки нутқ шаклига хосдир. Нутқдаги протезали сўзларнинг фонетик вариантлари талаффузида сўзловчининг маданий савияси ва бундай сўзларни талаффуз эта олмаслик қобилиятининг сустиги, ички ҳиссиёти каби коннотатив маънолар ўз аксини топади.

Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, инглиз тилида сўз олдида бир товуш орттирилишидан ташқари бўғин ҳам орттирилиб талаффуз қилиниши мумкин:

– Old fond eyes, beweer this cause again... (W. Shakespeare).

Мисолдаги weep сўзи бошига У. Шекспир be- бўғинини қўшиш билан beweer сўзини ҳосил қилган ва унинг таъсирчанлигини оширган.

Талаффузда сўз бошида бир товуш орттирилиши билан турли хил коннотатив маънолар ҳосил бўлишини бадий асарлардан олинган қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин: Tearing of papers, breaking rings a-twain, Storming her world with sorrow's wind and rain (W. Shakespeare).

«Venus and Adonis» поэмасидан олинган ушбу парчадаги twain сўзи бошига а [æ] товушини қўшиб талаффуз қилиш орқали эмфатик ҳолат содир этилган.

Ўзбек тилида товуш орттирилиш ҳодисаси, асосан, четдан қабул қилинган сўзларда кузатилади: стакан – истакан, скамейка – искамейка, справка – исправка, рус – ўрис сўзларидаги каби. Протезали сўзлардан А.Қодирий персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда усталик билан фойдаланган.

**Хулоса.** Қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларида нутқ товушлари талаффузида ифодаланаётган коннотатив маъно уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатида яққол кўринади ва уларда ифодаланаётган коннотатив маъно инглиз тилида кўпинча ғазаб, қахр, ҳайратланиш каби маъноларни ифодаласа, ўзбек тилида аксинча, шодлик, хурсандлик ва кайфиятнинг юқорилиги каби коннотатив маъноларни ифодалайди.

**References:**

1. Яхшиева Г.Т. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: филол. фан. номз. дисс. – Т., 1997. – 132 б.
2. Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов): автореф. дисс. докт. филол. наук. – Т., 2009. – 50 с.
3. Ҳайдаров А.А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: филол. фан. номз. дисс. – Т., 2009. – Б. 14.
4. Норова М.Ф. Талаффузда ундош товушлар такрорининг коннотатив маънолари / Филология ҳам шет тиллерди оқытыўдың әҳмийетли мәселелери атамасындағы халықаралық илимий-әмелий конференция материаллары. I болим. – Нөкис, 2020. – Б. 120-123.